

YURIDIK GAZETA



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIGA XIZMAT QILAMAN

Ўтган жума куни Республика прокуратурасининг мажлислар залида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан алоҳида ўрнатилган кўрсатгани учун тақдирланган бир гуруҳ прокуратура ходимларига давлат мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, I даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашид Қодиров йиғилишни очар экан, мустақиллик йилларида тўқсондан ошқ прокуратура ходимларининг фидойи меҳнатлари учун ҳукуматимиз орден-медаллари ва юксак унвонларига

сазовор бўлгани соҳа ходимларига билдирилган юксак ишонч эканлигини алоҳида қайд этди.

Мукофотланганлардан Вера Короткова ва Оринбой Манноповлар сўзга чиқиб, бу ишончга фидойи меҳнатлари билан жавоб беражакларини изхор этишди.

Суратда: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори В. Коротковага «Шуҳрат» медалини топширмоқда.

А.ТЎРАЕВ олган сурат

Хафтанинг муҳим воқеалари

24 январь

ТОШКЕНТДА Ёшлар масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлисда тегишли вазирлик, идора, муассаса, ташкилот, олий ўқув юртлиги раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда ёшлар вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

ВАЗИРЛАР Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, мамлакатимиз Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони, «Соғлом авлод» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари бажарилишининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

26 январь

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Оқсарой қароргоҳида «ДЭУ моторс» компанияси раиси Ли Жонг Дэни қабул қилди.



Олий Мажлис томонидан умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Прокуратура тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси прокуратура идораларида ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда. Бу ҳақдаги материаллар билан газетамизнинг ички саҳифаларида батафсил танишасиз.

Суратда: Тошкент вилоят прокуратураси ходимлари қонун лойиҳаси билан танишиб чиқмоқдалар.

Ушбу сонда

ТАҲЛИЛ

САБОҚ ВА МЕЗОН

2

АФСУС

ДОҒ

6

ҚОТИЛЛИК

ЗАРАФШОН ЙИҒЛАР ЭДИ...

7

ҲАРБИЙ ЮРИСПРУДЕНЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси 2000 йил якунларига қўра Мудофаа вазирлигига ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, аскарларни ижтимоий муҳофаза этиш, ҳарбий тайёргарлиқни кучайтириш масалалари юзасидан тақдимнома киритган эди.

Мудофаа вазирлигининг 2001 йил 17 январда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ушбу тақдимномада кўрсатилган масалалар атрофида муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан Республика ҳарбий прокуратурасининг биринчи ўринбосари, адлия полковниги Н. Азимовнинг маърузаси тингланди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаиб, барча ҳарбий қисмларга юборилди.

Ўтган шанба куни Республика Ҳарбий прокуратураси ҳаётининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Бош прокурор ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Баҳодир Дехқонов «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг 2000 йил иш якунлари ва келгусидаги вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маърузада ҳисобот даврида Мудофаа ва Фавқулодда вазирлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Миллий Хавфсизлик хизмати тизмалари, Ички ишлар вазирлигининг ички ва қорувул қўшинларида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини яхшилаш, соғлигини сақлаш юзасидан қўмондонликлар билан ўтказилган қатор тадбирлар ижобий самара берганини қайд этилди.

Йиғилишда Марказий ҳарбий округ, Жиззах ва Самарқанд ҳарбий прокурорлари ҳамда Ҳарбий прокуратуранинг айрим прокурор-тергов ходимлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Ҳарбий прокуратура идоралари жиноятчиликка қарши курашда, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашда қатъият билан ишлаш кераклиги таъкидланди. Бу борадаги ишларни Ўзбекистон Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, «Прокуратура тўғрисида»ги қонун, Бош прокурорнинг буйруқларидан келиб чиқиб ташкил этиш белгиланди.

Ҳайъат йиғилишида Республика прокуратурасининг Қуролли Кучлар, корхоналар ва транспортда қўнуларга риоя этилиши устидан назорат бўлими бошлиғи Б.Усмонов иштирок этди.

Қун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокуратураси матбуот гуруҳи

Моҳият

Кимки

иллатга

жазо

бермаса, у

унинг

ҳимоячиси-

дир.

Леонардо

ДА ВИНЧИ

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ — ТАРАҚҚИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Фаргона вилоят прокуратурасида умумий назорат соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва юриштига бағишланган семинар-машғулот бўлиб ўтди. Вилоят, шаҳар, туманлар прокуратуралари ходимлари катнашган семинарни вилоят прокурори Ю. Абдукаримов кириш сўзи билан очди. Унда Республика прокуратураси умумий назорат бошқармасининг бошлиғи Х. Маҳмудов «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда текширишларни тартибга солишга оид норматив ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳақида маъруза қилди.

Маърузада умумий назорат тартибида ўтказиладиган текширишларнинг асослари, текширишларни мувофиқлаштириш тартиблари батафсил шарҳлаб берилди. Мувофиқлаштириш фақат ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга оидлигини, прокуратура идоралари мувофиқлаштирувчи текшириш ўтказиш учун рухсат сўрамаслиги, балки текширишни мувофиқлаштиришни сўраб вилоят прокуратураси орқали Республика мувофиқлаштирувчи Кенгашига чиқишлари, ушбу кенгаш Республика прокуратураси билан текширишларни мувофиқлаштириб олаётганини ўқитиб ўтди. Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари, ҳужалик-молия фаолиятини текшириш, Республика прокуратурасининг топшириғи асосида текширишлар ўтказиш тартиби шарҳлаб берилди.

Шунингдек, маърузачи умумий назорат тартибида ўтказилган текширишлар бўйича қўлланадиган прокурорлик таъсир чораларининг қонунибузарликлари бартараф этиш ва олдини олиш борасидаги таъсир кучини ошириш ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Текширишларнинг миқдори эмас, сифати муҳим аҳамиятга эгаллигини, улардан қўзланган мақсад-жамият тараққиёти йўлидаги говларни олиб ташлашдан иборатлигини алоҳида таъкидлади.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalari
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxonani manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2049
Nusxasi — 24526

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir
Sh. YODGOROV
Navbatchi N.MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

TAHLIL

XX asr tarixiga aйланди. У халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган воқеаларга бой бўлди. Энг қувончлики — халқимиз неча йиллардан буйён орзу қилган мустақиллиқни қўлга киритди. Халқимизнинг янги асрдаги улуг вазифаси ана шу мустақиллиқни ёвуз қучлардан асрашдир.

Қаердаки жиноятчилик кўпайса, ўша ерда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан юксакликка кўтарилишда тўсқинлик бўлади. Буни қалбдан ҳис қилган Toshkent шаҳар прокуратураси идоралари қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси назоратини ташкил қилиш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқдалар.

Қилинган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини берди. Номусга тегиш 27,9 фоизга, талончилик 14,6 фоизга, босқинчилик 4,8 фоизга, автоуловларни ўғирлаш 72 фоизга, автоуловларни олиб қочиш 10,4 фоизга, гуруҳ таркибиде ва мастлик ҳолатида жиноят содир этиш 26,4 фоизга ва 4,5 фоизга камайишига эришилди.

Жиноятчини жазолаш осон. Уни тўғри йўлга солиб, жамият учун керакли инсонга айлантириш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун бағрикенглик ва ваэминлик керак бўлади. Бизнинг халқимиз бахтли халқ. Чунки давлатимизни бағрикенг инсон Исромо Каримов бошқармоқда. Юртобшомизнинг бағри кенглиги туйғайиб неча юзлаб адашганлар ўз уйига, ота-онасининг бағрига қайтди.

Адабиёт диний экстремистик оқимларга кириб қолган ёшларнинг тақдирига оид долзарб масалалар шаҳар прокуратурасининг ҳайъати ва шаҳар ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисларида кўрилиб, аниқ тадбирлар белгиланди.

Гивандликка қарши кураш бугунги кунда дунёдаги виждони уйғоқ барча инсонларни ташвишга солмоқда. Энг ачинарлиси, жиноятларнинг доясига айлиниб қолаётган бу иллат ўз боқоғига ёшларни кўпроқ тортмоқда.

Белгиланган тадбирлар етарли бўлмаганлиги, айрим ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар раҳбарларининг масъулиятни ҳис этмаслиги ва бошқа объектив сабабларга кўра оғир ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш, уларни фож этиш ва айбдорларни жазолаш масалаларида жиддий муаммолар мавжуд.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўта оғир жиноятлар 5,8 фоизга, оғир жиноятлар 2,7 фоизга, қотиллик 16,9 фоизга, товламачилик 23,0 фоизга, ўғирлик 4 фоизга ошди.

Муқаддам судланганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ҳам мўътадил қолмоқда. Барча туман прокурорлари ва шаҳар прокуратурасининг тергов бошқармаси томонидан ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган

САБОҚ ВА МЕЗОН

Мэлс НАИМОВ,
Ташкент шаҳар прокурори,
3-даражали Давлат адлия
маслаҳатчиси

тадбирлар белгиланмоқда.

Жиноятчиларни қидириб топишга қаратилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йилдаги рақамларга мувожабат қилинган бўлсак, 3041 қидирувда бўлган шахсдан 1191 таси ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Лекин ҳамма ишларимизни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шаҳар буйича содир этилган 24,2 фоиз қотиллик, 26,4 фоиз босқинчилик, 35,7 фоиз талончилик, 36,4 фоиз ўғирлик каби жиноятлар фож этилмай қолмоқда.

Аччиқ бўлсада ҳақиқатни айтиш шарт деб ўйлайман. Прокуратура идоралари томонидан тергов қилingan жиноят ишлари буйича 6 шахс ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган, шулардан 4 таси қамоқда сақланмоқда.

Жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарлар кўриб чиқишлигининг қонунийлиги, ўз вақтида жиноят иши қўзғатилиши устидан прокурор назоратининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ушбу йўналишдаги амалиёт ўрганилиб, умумлаштирилди.

Ўтган йил мобайнида рўйхатдан яширилган 99 та жиноят рўйхатига қўйилди. Жиноятларни яшириб, қонунбузарликка йўл қўйган ички ишлар идоралари ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди.

Қайси давлатда фарзандлар эъзозланса, ўша юртнинг келажаги буюк бўлиши мўқаррар. Бугунги кунда жамиятимиз олдидаги энг

асосий вазифа ёшларни жиноятдан қутқариш, турли зарарли оқимлардан асрашдир.

Қўрилган чоралар натижасида йил якуни буйича воёга етмаганлар орасида жиноятчилик 18,1 фоизга камайган. Шаҳар прокуратураси воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга қаратилган барча зарурий чораларни кўрмоқда.

Шаҳар прокуратураси идоралари томонидан ўтган давр ичида судларда жиноят, фуқаролик ва ҳўжалар ишлари кўрилишида прокурор

интизомига қандай амал қилаётгани билан ўлчанади. Тўлов интизоми бузилган корхонада иш олға кетмайди. Охир-оқибатда кўп ўтмай банкротлик юзага келади: Республика Президентининг ўзаро ҳисоб-китоблар, тўлов ва шартнома интизоми тўғрисидаги фармонлари, банкротлик ҳақидаги қонун ижроси устидан назорат кўчатирилиб, ҳисобот даврида 84 та текшириш ўтказилди. Ўз хизмат вазифасига соувқонлик билан қараган корхона ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан 45 та жиноят иши қўзғатилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида корхоналарнинг муддати ўтган дебиторлик (1045 млн. сўм) ва кредиторлик қарзлари (9748 млн. сўм) бир қадар камайган бўлсада, иш ҳақида қарздорлик миқдори юқориликча (4443 млн. сўм) қолмоқда. Энг ачинарлиси, бундай корхоналар бармоқ билан санарли эмас.

Имкониятдан фойдаланиб, аччиқ бўлсада ҳақиқатни айтиш керак. Умид билан оиласидан иш-хонасига келган ишчимни, хизматчиси, ким бўлишидан қатъий назар иш ҳақини олиши шарт. Бунинг учун ташкилот раҳбарлари масъул эканликларини унутмасликлари лозим. Ходимларга ўз ҳақини бера олмаган раҳбар ўз ўрнини иқтидорли, ишининг кўзини биладиган раҳбарга бўшатиб бериши шарт.

2000 йил «Соғлом аялдо йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан соғликни сақлаш, болалар ва аёллар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан прокурорлик назорати жонлантирилди. Шаҳар худудиде соғликни сақлаш муассасаларининг моддий техникаий базасини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг, айниқса, болалар ва аёлларнинг соғлом бўлишини таъминлашга қаратилган ҳукумат тадбирларининг бажарилиши аҳоли чўқур таҳлил этилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган тадбирлар янада кўчатирилди.

Фуқароларнинг пенсия таъминоти, кам таъминланган ва кўп болалик оилаларга бериладиган нафақаларнинг ўз вақтида берилиши, аҳолининг иш билан бандлигига қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан самарали ишлар қилинди.

Ташкент — Ватанимиз юраги. Шундай экан пойтахт барча соҳада виллоятларимизга намуна бўлиши лозим деб ўйлайман. Шу жумладан ошобиштилиқни сақлашда ҳам. Ишон билан айтишим мумкинки, Toshkent шаҳридаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар жиноятчиликни олдини олишда ва унга қарши курашда бор куч ва маҳоратини ишга соладилар.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

КЕЛАЖАККА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Биз янги асрга буюк келажак қўриш орзуси билан қадам қўйдик. Бугун ўзини шу юрт фуқароси деб билган ҳар бир киши ана шу буюк мақсад йўлида меҳнат қилмоқда. Айтиш жоғизки, ушбу мақсадга етилиш ўрнимизга келадиган авлоднинг билим савияси ва таъқурига боғлиқ. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ашу мураккаб вазифани амалга ошириш йўлида қўйилган қадамдир.

Мазкур дастурнинг таълим ислохотлари йўналишида 1999-2000 йилларда республикамиз буйича 187 та академик лицей ва касб-ҳўнар коллежлари қўриш ва 110 та шундай муассасани таъмирлаш кўзда тутилган. Бу улкан вазифани амалга ошириш учун ҳўкумат қарорлари қабул қилинди. Ҳўш, уларнинг ижроси жойларда қандай амалга оширилмоқда?

Ташкент вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишларда фойдаланишга топширилган ва янгидан қабул қилинаётган академик лицей ва касб-ҳўнар коллежларида қўрилиш, таъмирлаш ишлари кўп ҳолларда давлат стандартларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Авало шуни айтиб ўтиш керакики, академик лицей ва касб-ҳўнар коллежларининг қўрилиши тендер усулида танловдан ўтказилган бўлиб, қўрилиш ишлари танловда голиб чиққан қўрилиш корхоналари томонидан амалга оширилган. Бироқ, ажабланарлиси шундаки, тендерда кўрсатилган таннарха бирон-бир пудратчи амал қилмаган.

Масалан, Охангарон шаҳридаги касб-ҳўнар коллежини қайта таъмирлаш тендер буйича голиб чиққан «Охангаронқўрилиш» ҳиссадорлик жамиятига топширилган. Жамият тендер асосида таъмирлаш ишларини 204267 минг сўмга келишиб, вилоят қалитан қўрилиш бошқармаси билан шартнома тузган. Аммо, ҳиссадорлик жамияти тендерда кўрсатилган нархдан 87697 минг сўм ортқча харажат қилган. Бу каби ҳўлатлар 1999 йилда қўрилган

ва таъмирланган барча объектларда мавжуд.

Мазкур йўналиш буйича бир қатор қонунбузилиш ҳўлатлари ҳам аниқланди. Жумладан, Зангиота туманидаги 600 ўғилни «Агроремшас» касб-ҳўнар коллежини қайта таъмирлаш учун ажратилган бюджет пул маблағларини мақсадли ва қонуний ишлатилиши юзасидан ўтказилган текширишда қўрилиш-монтаж ишларини амалга оширган «Меъмор» шўба корхонаси томонидан қилинган ишлар жами 7008900 сўмга ошириб кўрсатилганлиги аниқланди. Текширув натижаларига кўра, «Меъмор» шўба корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Умуман, текшириш натижаларига кўра, айрим ҳўдудлардаги академик лицей ва касб-ҳўнар коллежларини қўрилиш, таъмирлаш ишлари ўта сифатсиз даражада амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдиқ. Қонунбузилиш ҳамда уларнинг келиб чиқиши шарт-шароитларини бартараф этиш ва айбдор шахсларга нисбатан интизомий ва моддий жавобгарлик юзасидан 8 та тақдирнома киритилиб, 2 та жиноят иши қўзғатилди. 7 нафар шахс мазмурий, 16 нафар шахс интизомий ва 7 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди.

Таълим соҳасидаги ислохотлар йўлига тўсиқ бўладиган ҳар қандай ҳўлат қонуний ечимини топиши тайин. Аммо шу ўринда бир савол туғилади. Ушбу жараёнга мутасадди бўлган шахслар қонунни четлаб ўтиш ёки ундан қўчиб қутулиш мумкин эмаслигини қачон англаб етишади?

М. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ташкент вилоят прокуратураси
умумий назорат бўлими, прокурори

ХОКИМ ХУЗУРИДА

ҲАЁТ ҚОНУНИ БИЛАН

Инсон жамият ва давлатнинг манфаатлари учун қанчалик фойда келтирса, у шунчалар кадрлидир. Қолаверса, юрагида элу юрт ишқи ёнган кишигина халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўла олиши мумкин.

Самарқанд тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Раҳима Ҳакимова билан суҳбатдан кейин шундай хулосага келдим, — деб ёзади мухбиримиз.

— Раҳима опа, инсон умри йиллар билан эмас, баки қилинган ишлар билан ўлчанади, дейишди...

— Бу ҳақда кўп ўйлаб кўрганман. Энг яхши завуқ сафо, ҳаётнинг энг катта қувончи ўзингни одамларга яқин ва керакли деб билишингда экан. Яшириб ўтирмайман, мени «опа» дея ардоқлаган, қалбимга шуур ва далда, билгимга куч берган меҳнатсевар халқимиздир. Иккиланган, тушунликка тушган кезларимда ҳам, қалбимда ифтихор жўш урган пайтларимда ҳам одамлар ишончи, мададони юракдан ҳис етганам.

Оқилона йўл-йўриқ туттишда асосан уч нарсани - адолатпарварликни, гўзалликни ҳис қилишни, фақат ва фақат яхшиликни раво кўришни унутиб қўймаслигимиз керак. Бирок, ҳар қандай яхшилик, хайри ишда ҳам миннат нафаси сезилмагани маъқул. Агар у эл-юрт бахт саодати учун қилинаётган бўлса, шак-шубҳасиз сизга обрў, хурмат келтиради. Чинакам ҳаёт роҳатини ана шунда сезасиз.

— Инсонлар тақдирини, ташвишларини раҳбар сифатида сизнинг ҳам ташвишингиз. Уларнинг қайси муаммоларини Сизни кўпроқ ўйлантиради?

— Маълумки, эртага бугундан яхшироқ яшаш учун, энг аввало, иқтисодий манба лозим. Ана шу мевёрий эҳтиёжда тақчиллик туғилмаса, ҳеч бир фуқаро идорама-идора сарсон юришни хоҳламайди. Иккинчидан, фуқароларга ўз шижоатларини, қобилиятларини намойиш этишлари учун тайинли иш ўринлари тақозо этилади. Ана шу икки масалада имкон яратиб берилди-ми, ҳар бир яхши ниятли киши ўз юқини ўзи тортишга ҳаракат қилади. Менга бу масалаларда фуқаролар тез-тез мурожаат қилиб туришади.

Ҳафтанинг ҳар душанба кунини бўладиган туман ҳокими қабулида фуқароларнинг талаб ва аризалари ҳамжиҳатликда ўрганилиб, аниқ ижро мuddати белгиланади. Ариза, шикоятларнинг кескин камайишига сабаб бўлган яна бир амалиётни айтмай: ҳар ҳафтанинг чоршанба кунини мавжуд 8 та қишлоқ фуқаролар йиғинининг барчасида туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда тегишли соҳалар мутасаддилари иштирокида «Очиқ эшиклар кунини» қабули мунтазам ўтказилиб борилади. Ҳар қандай муаммо шу жойининг ўзидан ечим топишига фуқаролар ишониб қолишган. Одамларнинг ҳам қувончли, ҳам қайғули кунларидан имкон қадар хайрбардор бўлишга интиламиз. Илгир билан келганларни умидсиз қайтаришга ўрганмаганмиз. Айрим бахтсиз ҳодиса ва тасодифий ҳолатларда вазиятни ўз кўзим билан кўриш учун фаоллар билан биргаликда воқеа жойига етиб бораман. Яқинда Шароф Рашидов жамоа хўжалигининг «Ўзбекистон» кишлоғида Тожи Эргашев хонадонини ёниб кетди. Воқеа тафсилотларини ўрганган, жабрдийда оила учун кўмак тариқасида 750 минг сўм миқдоридан маблағ жамғариб берилди. Жорий йилнинг ўзидан бундай бахтсиз тасодифий бошдан кечирган бешта оила учун ана шу қиймат атрофида хайру эҳсон тўплаб топширилди.

Туманда хусусий сектор корхоналарини имкон қадар қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишимиз. Улар фаолиятини режалаштириш эвазига Утган тўрт йил



мобайнида 10 мингдан зиёд қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

— Гапимизни бўлагимиз учун уэр. Бозор муносабатларини чуқурлаштириш, чет эл инвесторларини жалб қилиш борасида олиб борилаётган саёй-ҳаракатлар қандай самара бераётми?

— Фақатгина кейинги 4 йил ичидан туманда чинни заводи, дон маҳсулотларини қабул қилиш пункти, қалиш заводи, 4 та мебель ишлаб чиқарувчи, 7 та мрамарни қайта ишловчи, 50 га яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи, 4 та терини қайта ишловчи, мева ва सबзавотларни қайта ишловчи, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қатор цех ва корхоналар фаолияти кенг йўлга қўйилди. Чет эллик ҳамкорлар билан ижобий ишларни амалга оширишда хусусий корхоналаримизнинг ўзига хос интилишлари сезилади. «Тоҳирий» фирмасининг Эрон, Франция ва Лихтенштейндаги ҳамкорлари билан қўшма корхоналар ташкил этиши натижасида туманга 3 миллион АҚШ доллари миқдоридан сармоя киритилди.

«Парвина - М» ишлаб чиқариш корхонаси сутни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, унда энг замонавий ускуналар асосида музқаймоқлар тайёрланади. Корхонада Утган 1999 йилда қарий 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Утган йилда бу кўрсаткич бир миллиард сўмни ташкил этди. Бугунги кунда ишчи ўринларини тўлдириб турган минглаб йигит ва қизларимиз томонидан тайёрланаётган аҳоли кундалиқ эҳтиёж товарларидан кўзлар қувонади.

Шу кунларда Германия, Франция, Туркия, Россия ҳамда бошқа давлатлардаги тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш чораларини излаётимиз. Мазкур масалаларнинг ижобий ҳал этилиши эса туманимизга яна 3 миллион АҚШ доллари миқдоридан хорижий сармояларнинг жалб қилинишини таъминлайди.

— Яқиндагина бутун кураш замин ахли улкан бир тарихий санага нешвоз чиқиб, ХХI асрни кутиб олади. Янги юз йилликда қандай орзу-ниятларингиз амалга ошишини истардингиз?

— Янги асрда бир фуқаро, бир ОНА сифатида фарзандларимизнинг камқўстис, ғам-андуҳ кўрмай камол топишларини, Ватанга, элга садоқат билан хизмат қилишга тайёр бўлишларини хоҳлайман.

Сўхбатдош: М.АЛОВУДДИНОВ

«ХУКУҚ»ҚА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«СИЗГА НИМА БЎЛДИ, МУҲТАРАМ АЁЛ?»

«Хуқуқ», 2000 йил 29 ноябрь, № 48

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Наманган вилояти Давлатобод туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Ф. Бойзоқовнинг «Сизга нима бўлди, муҳтарам аёл?» сарлавҳали мақоласини ўқиб чиқдик. Шундай нуфузли соҳа газетасининг хотин-қизларга эътибори, улар учун қиюниши биз учун катта аҳамиятга эга.

Маълумингизким, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳам мустақил юрт ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида салмоқли маъқега эга бўлган ташкилот. Бу ташкилот Ватан мустақиллигининг илк имкониятларидан бири сифатида, шахсан Президентимиз ташаббуси, қўллаб-қувватлаши билан оёққа турган. Ва илк қадамларидан шу кунгача Президент ёғлари, фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлисимизда қабул қилинган қонунларнинг халқимиз тафаккурига сингиши ва амалиётга айланишида фидойилик билан меҳнат қилиб келмоқда. Ўзбекистон хотин-қизлари қўмитаси томонидан 2000 «Соғлом авлод» йилида Давлат дастури ва ўзининг Низомини, иш режаси асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Биз бу ишларни ҳозир номман санаб ўтмоқчи эмасмиз. Фақат иш салмоғини тасаввур қилишингиз учун баъзи рақамларни эътиборингизга ҳавола қилишни жоиз деб билдик.

1. Қўлида иши, даромади бўлган аёлнинг кўнгли бут, хотини ҳам бўлади. Шу сабабдан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларимизда турли мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ишсиз аёлларнинг 122365 нафарини ишга жойлаштирилди. 18199 нафар хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатдик.

2. Ўзи, оиласи, фарзанди соғлиғига эътиборни ҳис этаётган аёлда ҳаётга интилиш, иштиёқ уйғонади. Шу сабабдан Утган йил давомида 90 фоизга яқин аёл тиббий қуриқдан ўтказилди. 50 фоизга яқини даволанишга йўлланма олди.

3. Давр мураккаб. Бозор иқтисодига ўтишнинг машаққатлари қийнаб қўётган оилалар бор. Ана шундай оилаларга (дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат) моддий ёрдам кўрсатилди.

4. Ниҳоят ва оила, уллардаги низолар, аёллар ва болалар жиноятчилиги Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг қўйи тизимидан то юқори доирасигача доимий диққат-эътиборда туради.

Айнан шу боис Фарғона ва Хоразм вилоятлари мисолларида аёллар ва ёшлар ўртасидаги салбий ҳолатлар ўрганиб чиқилди. Таҳлил қилиниб, келгусида бу салбий ҳолатларнинг олдини олиш режалари ишланиб, барча вилоятларга тарқатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси аёллар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, миллий қадриятларни тиклаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, жаҳоннинг ривожланган хотин-қизлари даражасига кўтарилиши учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Албатта, мамлакатимиз

аҳолисининг ярмидан кўпроғини аёллар, болалар ташкил этади. Кўпнинг ташвиши ҳам кўп. Шунинг учун фаолиятимиз юртимизнинг ҳар нуқтасини тўла қамраб олди, биздан ташқарида ҳаракат қилаётган бирор нуқта йўқ, деб айта олмаيمиз.

Мақолада келтирилган фактлардаги иллатлар учун ҳам маълум маънода жавобгармиз. Шунинг учун мазкур мақола Давлатобод тумани хотин-қизлар қўмитасида ўрганилди. Тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Шу ўринда мазкур ҳодисаларга ўз муносабатларимизни ҳам билдириб ўтишни лозим топдик. Мақолада келтирилган ҳар факт ортида жиноят бор. Қонун ҳимоячилари бўлган, фақат шу иш орқасидан тирикчилик қилиб обрў топаётган ташкилотлар иш жиноят даражасига етиб боргунча қаерда эдилар?

Ахир ўзига тегишли ҳудуддаги мусаффо ҳаво ва муҳит учун улар биз билан баравар маъсул эмасмилар? Чунки қаердан бадбўй ис чиққани аввал қонун посбонларига аён бўлади-ку!

Қолаверса, асосий қарши қучлар улэр қўлида-ку. Ҳа, мамлакатимизда жиноятчилик деган балойи азим борлиги ҳаммага аён. Суиқасдлар, диний экстремистлар, нарқобизнес, фохшиабозлик, ўғрилик...

Утган йил мобайнида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари содир этилди. Бу огир жиноятларнинг баъзилари очилмай кетди. Жиноят очилиб, адолатли жазо берилмагунча, на биз, на бошқа бир куч бу иллатларга чек қўя олмаимиз.

Хурматли бош муҳаррир!

Мақола муаллифи—эркак одам. Агар ҳар жой, туман, қишлоқ эркаклари ахли-аёлини синглим, опам, жигарим деб қараса, бу иллатлар содир этилмаган бўларди. Биз жиноятчиликни оқламаймиз, аммо аёлга ҳам осон тутмаймиз. Унинг ному-си, шаънини асраш, уни тоза олай юриш жамиятдаги эрларнинг ҳам бурни. «Сизга нима бўлди, муҳтарам аёл» дея эр кишининг савол қўйиши, уэр бизнинг Шарқ эркакларига ярашмайди. Чунки аёлига нима бўлгани ҳаммасидан аввал унинг ўзига аён бўлади-ку. Эркак деган киши ўз ахли-аёлидан хабардор бўлмоғи шарт. Йўқса, уни ким деймиз?! Гофил деймизми-ё?.. Биз бу фикрларимиз билан ўз зиммасидан жавобгарликни соқит қилмоқчи эмасмиз.

Албатта, бундан кейин ҳам Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, унинг барча тизимлари фаоллари аёлларимиз, қизларимиз, фарзандларимизнинг омонлиги, шу озод ватанда жод қилиб, эркин яшаш, ўз меҳнати, ҳаётдан ризи ўтиши учун фидойилик ва заҳматларга юз, минг қарра тайёр. Ва бу ишни ўз фаолиятининг мазмуни, мақсади деб билади.

Д.ҚОБУЛОВА,
Ўзбекистон хотин-қизлар
қўмитаси раиси ўринбосари

«ТИРИКЧИЛИКДАН ОРТИРОЛМАЯПМИЗ»

«Хуқуқ», 2000 йил 21 ноябрь, № 47

Вилоят ҳокимлиги томонидан «Тирикчиликдан Ортиролмаямиз» мақоласи тегишли ташкилотлар раҳбалари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Мақола юзасидан ўтказилган текширишларда Фарғона шаҳридаги 14-мактаб ўқувчилари Ортиқали ва Жаҳонгир Исмоловларга ўқув йили бошида фонд дарсликлари тарқатилганида айрим фанлар бўйича китоблар кам бўлганиги сабабли, улларга етмай қолганлиги аниқланди. 33-мактаб ўқувчиси Д.Исмолов эса кам таъминланган оила фарзанди сифатида ҳар йили бепул кийим-боша ва дарслиklar билан таъминлаб келинган. Утган йилда ҳам унга кийим-кечаклар ҳамда мактаб фондида бўлган дарслиklar берилган. «Атрофи-

миздаги олам». «Рус тили» китоблари сотувда кам бўлганлиги учун ўқувчининг онаси олиб бера олмаган.

Мақолада тилга олинган ҳолатлар вилоят ҳокимлигида Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими мудири М. Аҳмедов ва 14, 33-мактаб директорлари ҳамда Д.Исмоловнинг онаси иштирокида муҳокама этилди.

Шунингдек, Халқ таълими бошқармасидан Д.Исмоловнинг барча дарслиklar билан таъминланганлиги ҳақида ахборот олинди.

Ф.АЗИМОВ,
Фарғона вилоят
ҳокимининг ўринбосари

ТАҲРИРИЯТДАН

Авало, ҳафталигимизда чоп этилган танқидий мақолани ўз вақтида ўрганиб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар кўрганлиги учун Фарғона вилояти ҳокимлигига миннатдорчилигимизни билдираимиз. Шу билан бирга вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Азимов илмози билан келган жавоб хатидан бироз қониқиш ҳосил қилмаганлигимизни ҳам яширмаймиз.

Негаки, юқоридан тилга олинган танқидий чиқишимизда Жаҳонгир, Ортиқали ҳамда Даврон Исмоловлар мисолида Фарғона вилояти мактабларида баъзи ўқув дарсликлари етишмаётганлиги баён этилган эди. Вилоят ҳокимлигидаги танқидимизни ўрганиш жараёнида, афтидан, масаланинг бу жиҳатларига эътибор бермаганлар, шекилли. Қолаверса, бир ўқувчини керакли ўқув китоблари билан таъминлаш билан бу муаммо ҳал бўлиб қолмагандир. Ўқувчиларни арзон ўқув дарслиklари билан таъминлаш муаммоси-чи? Биз ушбу саволларга жавоб оламиз деган умидда эдик...

«ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН

БОШ ҚОМУСИМИЗ АСОС БЎЛСИН

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши фуқороларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзлаштиришда катта имкониятлар яратди. Асосий қонунимиз мамлакатимиз ҳуқуқий ҳаётининг барча йўналишларини йўлчи юлдуздай ёритди, халқимизнинг истиқлол ҳақидаги асрий орзуларини, иқтисомий-сиёсий, меҳнат, мулкӣй ва маънавий ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлади. Шу билан бирга республикамизда қонунчилик ривожланишининг истиқболларини очиб берди. Қабул қилинаётган қонунлар, қонуности ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга мос бўлиши шарт.

Конституциямизнинг 118-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади», деб кўрсатилган. Янги қонунда ана шу талаб ўз ифодасини топиши керак, деб ўйлайман. Масалан, лойиҳанинг 1-моддасида Конституциямизнинг 118-моддаси қоидаларига мос тарзда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади» деб кўрсатилса ва мазкур модда «Прокуратура органлари ягона марказлаштирилган тизимга эга бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилик қилади» деб тўлдирилса, унинг моҳияти янада равшанлашган бўлур эди.

Шунингдек, лойиҳанинг 4-модда 4-хатбоши «Жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш ва уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш» деб кўрсатилса, бу борада прокуратура олдига қўйилган вазифалар, уларнинг ваколатларига янада аниқлик киритиларди.

Қонун лойиҳасининг еттинчи моддаси «Қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокуратура органларига жамоат ташкилотлари ва фуқаролар кўмаклашишлари мумкин» деб тўлдирилса Конституциянинг 121-моддаси талабларидан келиб чиқиб, жамоатчилик ва прокуратура идоралари алоқаларини янада мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий асос вуқудга келади.

Яна бир фикр: 8-модданинг биринчи хатбошига «Прокурор талабларини бажармаслик ёки бажаришдан бош тортиланг қонунда белги-ланган жавобгарликка сабаб бўлади», деган жумлани қўшиш лозим деб ўйлайман. Ана шунда прокурорнинг қонунийликни таъминлаш, қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш борасидаги талаблари ўз вақтида ижро этилиши таъминланади, ҳамда ушбу молданинг таъсир кучи ошади.

Лойиҳанинг 20-моддаси матни «Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижросини текширишга қонунбузарлик тўғрисида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари, юридик шахсларнинг мурожаатлари асос бўлади, шунингдек текшириш қонунийлик ва жиноятчилик вазиятидан келиб чиқиб, прокурорларнинг шахсий ташаббуслари билан ўтказилади», деб тўлдирилса, қонунлар ижроси устидан назорат қилишда прокурор ваколати янада бойитилади.

27-модданинг биринчи хатбоши «Прокурор судларда ҳўжалик, фуқаровий ва жиноят ишлари кўрилишида иштирок этади ва жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловини таъминлайди», деб аниқ ифодаланса, судларда томонларнинг тенг ҳуқуқий иштироки принципи амал қилинишини таъминланади.

«Прокуратура тўғрисида» янги тахрирдаги қонун лойиҳаси ҳуқуқий-демократик давлатни қуриш ва уни мустаҳкамлаш талабларидан келиб чиқиб ўз вақтида умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Унинг қабул қилиниши юртимизда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, қонунбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура идоралари масъулияти ва прокур назоратининг аҳамиятини оширишга хизмат қилади.

Т.САЙДАХМАТОВ,
Шахрихон туманлараро прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари давлат органларининг мажлисларида, фуқаролар йиғинларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларида, ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида, оммавий ахборот воситалари орқали муҳокама қилиниши мумкин.

«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси.)



Суратда: ТДЮИ «Жиноят ҳуқуқи» кафедраси доценти, «3 - ҳуқуқ-факультети декани муовини Одина Зоқирова талабалар билан «Прокуратура тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонун лойиҳасини муҳокама этмоқда. А. ТўРАЕВ сурати

«Прокуратура тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг ўтган 8 йилдан кўпроқ вақт прокуратура тарихида алоҳида даврни ташкил этади. Бу йиллар мобайнида республика прокуратураси ҳуқуқий-ташқилий жиҳатдан мустаҳкам асосга эга бўлди. Унинг асосий фаолият йўналишлари, вазифалари ва кафолатлари такомиллашиб борди, кадрлар таркиби сифат жиҳатидан янгиланди ва ёшарди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда Конституция ва қонунлар устиворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Аммо вақт — ҳакам. Шу нукта назардан ёндошганда ҳаётда эскирмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳаётнинг давомийлиги, тараққиёти эса муттасил янгилашни билан чамбарчас боғлиқдир. Бу қонунлар яратиш фаолиятига ҳам тааллуқли.



Давлатбەرқан ХУДОЙБЕРҒАНОВ, Қорақалпоғистон республикаси Эллиқалъа тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

ҚОНУНИЙЛИК КАФОЛАТИ

Янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилиши янгилаётган жамиятимизда демократизм, Конституция ва қонунлар асосида ашашга интилиш тамойиллари тобора чуқур илдиз оғаётганидан дарак беради. Зеро, ҳар қандай қонун энг аввало, халқнинг хошим-иродасини ифода-лайди, унинг бахт-саодатига хизмат қилади. Шундай экан, умумхалқ муҳокамаси қонуннинг халқчилик, инсонпарварлик каби сифатлар касб этилишини, тили равоон, содда ва тушунарли бўлишини таъминлайди.

Имкониятдан фойдаланиб, мазкур қонун лойиҳаси юзасидан баъзи фикр-мулоҳаза ва тақлифларимни билдирмоқчиман. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонун билан янги таниш бўлган ўқувчилар энги тахрирдаги лойиҳа бирмунча ихчамлаштирилгани ва такомиллаштирилганига эътибор берган бўлсанлар керак. Яъни аввалги қонундаги баъзи моддалар лойиҳага киритилмаган ва уларнинг ўрнига янги 8 та модда қўшилган.

Ҳар қандай қонун чиқарилишидан бир мақсад қўйилади ва унинг маълум бир вазифалари бўлади. Лекин бу қонунда фақат прокуратура идораларининг мақсад ва вазифалари кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун фиркимча, 1-моддадан олдин ушбу қонуннинг мақсад ва вазифалари кўрсатилиши зарур деб ҳисоблайман.

Амалётда прокуратура идоралари на-фақат қонунлар, балки Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва айрим Низомларнинг ижроси устидан ҳам назорат олиб борадилар. Шунинг

учун лойиҳанинг 1,4,19-моддаларига: «Прокуратура Президент Фармонлари, Олий Маҳлис томонидан қабул қилган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадilar», деб кўрсатилса қонуннинг таъсирчанлиги ошган бўларди.

Лойиҳага киритилган янги моддалардан бири — бу прокуратура органларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини белгилловчи 7-моддидир. Ҳуқуқий-демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти қуриш йўлида тупланган тахриба шунги кўрсатадики, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширишга маълум даражадаги ҳуқуқ келажакни таъминлаб бўлилади. Бу устивор йўналишда прокуратура органлари катта имкониятлари ва салоҳияти янги намоён этмоқда. Қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашда прокуратура ва жамоатчилик ҳамкорлигини такомиллаштиришнинг ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу йўналишнинг қонун лойиҳасида ўз ифодасини топганлиги ҳар томонлама ўзичи оқлайди.

Лойиҳанинг 2-моддасида прокуратура органларининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Мустақил давлатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари ўзига хос ўрин тутаяди. Шу нукта назардан ушбу модда матнидаги «вазифалари» сўзидан кейин, «инсон ва» (давоми матн бўйича) сўзини қўйиш, фиркимизга, мақсадга мувофиқ бўлади.

6-моддада: «Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил тарзда фақат қонунга итбат қилиб, амалга оширадilar», дейилади. Конституция қоидаларига ҳамонанг бу талқини прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб бериувчи 4-модданинг 1-қисми билан қиёспайлик. Назаримда «жамият бирлашмалари» атамасини 4-модданинг 1-қисмига ҳам киритиш хато бўлмайди.

Лойиҳа моддалари мантиқан боғланади ва бир-бирини тўлдираяди. Увийликни янада кучайтириш учун «жамоат бирлашмалари» атамасини «Прокуратура назорати» деб номланган 3-бўлимнинг 19-моддасига ҳам қўйиш тўғри бўлади.

Янги тахрирдаги қонунда прокурорнинг розилиги (санкция) тўғрисида

кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун 26-моддага: «тинтув ўтказишга, почта-телеграфлар жўнатмаларини хатлаш ва улари олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурималари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга, айбланувчини четлаштиришга, айбланувчи (гумондор)нинг эҳтиёт чорасини ўзгартиришга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув ҳамда тергов органларининг бошқа харажатларига розилик (санкция) беради», деб қўйилса прокурор ваколатлари янада равшанроқ тасаввур қилинади.

Энди қонун лойиҳасининг 4, 19, 20-моддаси ҳақида. Уни 1-модда билан қиёспалаганда баъзи мулоҳазалар туғилади. Конституцияга ва ушбу лойиҳанинг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни давлат органи сифатида прокуратура амалга оширади. Маълумки, қонунлар ижросини назорат қилиш прокуратура текширувлари асосида олиб борилади. Амалётда эса қонун ижроси устидан прокуратура текширувга тўқинлик қилиш ҳоллари ҳам баъзан учраб туради. Менинг фикримча, текширувларда прокуратура мустақиллигининг кафолатларини истисно тариқасида 20-моддада алоҳида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқий давлатта хос бўлган «Қонун барчага баробар», «Қонунга итбат этиш — барчага дахлдор», деган қоидалдан келиб чиқадиган бўлсақ, шундай кафолатнинг белгилаб қўйилиши қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришда яна бир имконият очади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимияти маъвуддир. Конституция бўйича прокуратура идоралари суд ҳокимияти таркибига киритилмаган бўлиб, алоҳида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи идора сифатида белгилаб ўтилган. Шунингдек, прокуратуранинг назорат қилувчи идора таркибига кирита олмайми. Сабаби, бу идора бошқа назорат идоралари каби ҳеч қандай маъмурий, моддий, интизомий жавобгарликка ҳам торта олмайди.

Конституцияга мурожаат қиладиган бўлсақ, Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Шундай экан, прокуратура Президент идораси бўлиб қолиши мақсадга ва қонунга мувофиқ, деб ўйлайман. Булар шахсий мулоҳазаларимдан келиб чиқиб, ўртага ташланган тақлифлар, албатта. Ҳайратанки, мазкур қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан кейинги тузилиши, мазмун ва моҳияти янада умумлаш бўлади. Биз, прокуратура ходимлари ўз фаолиятимизда яна бир тўлақонли қонунга эга бўламиз.

ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Мустақил республикамизда «Прокуратура тўғрисида»ги қонунни 1992 йилда қабул қилинган эди. Ушбу қонун жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда, шунингдек, амалдаги қонунларнинг аниқ, бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда Республика прокуратураси идоралари учун дастуриламал вазифасини ўтаб келди. Утган давр ичида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Ушбу омиллар ҳисобга олинандан бўлса, мазкур қонунга ҳам баъзи ўзгаришлар киритиш тақозо этиларди. Шу боисдан, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси тайёрланди. Олий Мажлисининг II қаҳирик IV сессиясида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Яқинда Тошкент шаҳар прокуратурасида унинг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Қуйида ушбу мулоқот иштирокчилари томонидан билдирилган айрим фикр-мулоҳазалар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Оммавий ахборот воситалари қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг боришини ёритадилар, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эълон қилиб борадилар.

(«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси.)

Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ихтиёрийлик;
- тенглик;
- ошкоралик;
- ҳамма учун очиқлик;
- эркин фикр билдириш.

(«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси.)

ПРОКУРАТУРА АДОЛАТ ТИМСОЛИ БЎЛМОҒИ КЕРАК



Бахтиёр ҲАҚНАЗАРОВ, Мирзо Улугбек тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси:



Эркин АБЗАЛОВ, Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди:

— Янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳаси аввалгисидан бирмунча такомиллаштирилган. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла жавоб беради. Шу билан бирга, лойиҳада айрим жузъий камчиликлар, ноаниқликлар ҳам мавжуд. Жумладан, лойиҳанинг 21-моддаси 2-қисмида прокурорнинг ҳўжалик ва бошқа фаолиятларга бевосита аралашувига йўл қўйилмаслиги кўзда тутилган. Ундаги «бошқа» сўзи ортқича бўлиб, уни матнда чикариш лозим. Бу мавҳум тушунча билан қандай фаолият назарда тутилганлиги номаълум. Ўз навбатида бундай мавҳумлик амалиётда бир қатор қийинчилик ҳамда муаммоларни келтириб чикаради. Шунингдек, шу моддада «Прокурорнинг идоравий бо-

шқару ва назорат идоралари вазифаларини бажаришига йўл қўйилмаслиги» таъкидланган. Назаримда бунга таъкидлаб кўрсатишнинг зарурияти йўқ. Чунки прокуратуранинг вазифалари қонунда аниқ кўрсатилган бўлиб, унда идоравий бошқару ва назорат идоралари вазифаларини бажариш кўзда тутилмаган. Юқорида тилга олинган жумлани олиб ташлаш қонуннинг моҳиятини ўзгартирмайди. Аксинча, уни янада ихчамлаштиради.

Қонун лойиҳасининг 27-моддаси 4-қисмидан «Прокурор... судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши принциплари қатъий риоъ этиши, ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга қўмақлашуши шарт» деган жумлани олиб ташлаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Негаки, бу қондалар жиноят-процессуал қонунчилигида ўз аксини топган, қолаверса, одил судловни амалга ошириш суднинг ваколатига кирди. Маълумки, прокурорнинг ўз вазифаларини тўла бажариши одил судловни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, бу ҳолатларни алоҳида кўрсатиб, ортқича урғу бериш шарт эмас.

Прокуратура ходимларининг дахлсизлиги ва моддий, ижтимоий таъминоти янада ошириш зарур. Жумладан, 40-модданинг «... жиноят иши кўзгатиш...» деган сўзлардан кейин «маъмурий жавобгарликка тортиш» деган қўшимчани қўшиб қўйиш лозим, деган фикрдаман.

Бахтиёр ПУЛАТОВ, Собир Раҳимов туман прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди:

— Қонуннинг асосий мақсад ва вазифаси фуқароларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқ-эркинликлари, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини, давлат ва жамият манфаатларини химоя қилиш ва қонунчиликини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, авваломбор, Конституция ва бошқа қонунлар билан кафолатланган. Шу сабаб, лойиҳадаги прокуратура органлари вазифаларини белгиловчи 2-моддасидаги «Фуқароларнинг сўзидан сўнг «қонун билан кафолатланган» деган жумла киритилиши жоиз.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари тариқасида лойиҳанинг 4-моддасида «Судларда ишларни кўриб чиқишида иштирок этиш» кўзда тутилган. ФПК, ХПКларда судларда ишларни кўриб чиқишида прокурор иштироки белгиланган, лекин юқоридаги кодекслар талаблари ўлароқ, ЖПКнинг 409-моддасига мувофиқ прокурор жиноятларга доир ишлар кўрилишида иштирок этиб, давлат айбловини қувватлаши белгиланган. Шу сабаб лойиҳада прокурорнинг бу ваколати йўналиш тариқасида ўз аксини топиши керак.

Лойиҳанинг 27-моддаси биринчи қисмида «Прокурор қонунда назарда тутилган ҳолларда ишлар судларда кўриб чиқишида иштирок этади», деб белгиланган. Менимча, бу қисмни амалдаги қонунларга мослаштириш лозим. Сабаби, ФПК, ХПКларда судларда фуқаролик ва ҳўжалик ишлари кўрилишида прокурор иштироки аниқ белгиланган, лекин ЖПКнинг 480-моддасига кўра, прокурор жиноят ишининг кассация ёки назорат тартибда кўрилишида қатнашиши, 542-моддасига биноан ҳукми ижро этиш тўғрисидаги масалаларни судда ҳал қилишида иштироки белгиланган. Шу кодекснинг 409-моддасида эса прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлаши белгиланган. Шунингдек, ЖПКнинг ушбу моддаси талаби, лойиҳанинг 27-моддасида ҳам ўз аксини топиши лозим ва унинг биринчи қисми «Прокурор биринчи босқич судларида жиноятларга доир ишларни кўрилишида давлат айбловини қувватлайди ва қонунда назарда тутилган ҳолларда ишлар судларда кўриб чиқишида иштирок этади» деган мазмунда тахир этилса мақсадга мувофиқ бўлади.



Оттабек ФУЗАЙЛОВ, Шайхонтоҳур туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси:

— Узоқ йиллар прокуратура тизимида ишлаган ходим сифатида қонун лойиҳасининг янада такомиллашуши учун зарур, деб билган фикр-мулоҳазаларини билдирмоқчиман. Лойиҳанинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари кўрсатилган бўлиб, унинг охириги бандида «... қонун ҳўжатларини такомиллаштиришда ва ҳўқуқий тарғибот ишларида қатнашиш», дейилган. Менимча, шу ерда



«фаол қатнашиш», деган жумла киритилиши керак. Чунки, қонун ҳўжатларини такомиллаштириш ҳамда ҳўқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда ҳар бир прокуратура ходими қатнашиши эмас, балки фаол иштирок этиши унинг тўғридан-тўғри бурчи бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайман.

Лойиҳанинг 7-моддаси биринчи бандида «Прокуратура органлари қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятда жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳаракат қилади», дейилган. Бу ерда «ҳаракат қилади» эмас, балки «фаолият кўрсатади», деб ўзгартирилса мантиқан тўғри бўлади.

Ушбу модданинг учинчи бандида прокуратура ходимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан урчушулар

ўтказиш ва улар орқали ўз фаолиятини ёритиш кўрсатилган. Ушбу жумлаларни «оммавий ахборот воситалари орқали ўз фаолиятини ёритиб боради», дейилиши лозим. Чунки, ОАВлар билан ҳамкорлик қилишнинг ўзи журналистлар билан урчушу, йиғилиш ва турли тадбирларни ўтказишни аналтади. Шунинг учун бу ерда ортқича жумлаларни ишлатиш шарт эмас, деб ўйлайман.

Қонун лойиҳасининг 12-моддаси иккинчи қисмида «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқдан ўтадиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари эга бўлади», дейилган. Менимча, бу ерда «Ўзбекистон Республикаси Бош

прокурорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ҳамда озод этилади. Улар ушбу лавозимга тайинланганларидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқдан ўтадилар», дейилса тўғрироқ бўлади.

Яна бир фикр: лойиҳанинг 40-моддасининг иккинчи қисмида «Прокурорлар ва терговчилар қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда ўқотар қурол ҳамда бошқа шахсий химоя воситаларини олиб юриш ҳўқуқи эга» дейилган. Ушбу гап оддий қилиб, «Прокурор ва терговчилар белгиланган тартибда ўқотар қурол ҳамда бошқа химоя воситаларини олиб юриш ҳўқуқи эга», деб тахир қилинса грамматик қондаларга ҳам мос бўларди.

АФСУС

— Оловутдин Кўчқорович, маълумки гиёҳандлик, наркотики билан муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу оғу ҳар йили ер юзидаси миқдор одамларни ўз домиса тортаяпти. БМТнинг наркотикиларни назорат қилиш қўмитаси маълумотларига кўра, айниқса, кейинги йилларда дунё миқдосида унинг қурбонига айланаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистонда бу борадаги аҳвол қандай?

— Афсуски, республикамизда ҳам наркотик моддалар савдоси ва у билан боғлиқ жиноятлар сони камаймапти. Тўғри, 1994-97 йиллар давомида бундай жиноятлар сони бироз пасайган бўлса-да, кейинги даврда бу кўрсаткич

Афғонистон ҳиссасига тўғри келмоқда», дея таъкидлашди ҳам бунга тасдиқлайди. Ачинарлиси, Афғонистонда етиштирилган ва тайёрланган наркотик моддаларни Европа мамлакатларига олиб ўтувчи йўллар айнан Ўрта Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон худудига тўғри келади. Бу ўз навбатида жуда катта қийинчиликлар ва муаммолар келтириб чиқаради. Биз ҳар қандай шароитда, яъни ўзимизга боғлиқ бўлмаган муаммолар

боғлиқ жиноятлар содир этишмоқда. Масалан, кейинги йилларда бир неча ўн нафар «хуқуқ посбони»га нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Мазкур жиноят ишларининг аксарияти судларга юборилган ва улар қилмишига яраша жазого тортдилар.

— **Аниқ факт ва мисоллар келтирсангиз?**

— Масалан, Сурхондарё вилоят ИИБ жиноят қидирув бўлими тез-

кор ходимлари Номоз Кўчқоров, Ҳаким Алпомишов, Ҳаким Маматалиев фуқаро Б.Нормуниновнинг гиёҳанд модда сотаётганлигини аниқлашган ва бу жиноятни яшириш мақсадида ундан 2000 АҚШ дол-



Республика прокуратураси Ички ишлар вазирлиги идораларига тергов ва суриштирув устидан назорат бошқармаси бошлиғи, ағлия кичик маслаҳатчиси О.Нижёзов билан суҳбат.

бироз ўсди. Айни пайтда тиббий муассасаларда ҳисобда турган шахслар, яъни гиёҳандлар сони ортиб бораётгани ҳам кузатишмоқда. Тиббий кўриқдан ўтишдан бошқортариб юрган яна қанча бангилар борлиги инobatга олинса, бу хавфли муаммо эканлиги янада яққолроқ намоён бўлади. Республика хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари гиёҳандликка қарши кеча-ю кундуз курашаётган, Ички ишлар вазирлиги томонидан кенг жамоатчилик билан биргаликда ҳар йили баҳор ва куз ойларида «Қорадор» тадбири ўтказилаётган, бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилиб, божхона хизмати тизими такомиллашган, умуман, барча куч ва ички имкониятлар ишга солинаётган бир пайтда мана шундай ҳолат рўй бераётгани гоят ачинарлидир.

Бирок, бунинг бизга боғлиқ бўлмаган томонлари ҳам бор. Маълумки, террорчилар, турли диний-экстремистик оқимларнинг асосий даромад манбаи наркотики билан бўлиб қолмоқда. Қолаверса, бизга қўшни мамлакат — Афғонистон наркотик моддалар базаси вази-фасини ўтаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. БМТнинг «бугун дунё бўйича тайёрланиб, савдога чиқарилаётган қорадорнинг 75 фоизи

пайдо бўлганда ҳам хушёр туришимиз, ўз вази-фамизини сиқидилдан баҳарийшимиз керак. Ана шу мақсадда хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари барча билимлари, куч-ғайратларини ишга солиб, наркотики билан ишга қўйишга ҳаракат қилмоқдалар.

Кейинги пайтларда республика миқдосидаги барча чегара постларида, божхона хизмати пунктларида назорат кескин кучайтирилди. Натижада, ўтган йилнинг ўзида 4210 килограммдан ортиқ наркотик моддалар ноқонуний муомаладан олинди ва унинг эгаларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

— **Таҳсиллар ушунга кўрсатмоқдаки, хуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари орасида ҳам гиёҳандлик билан шугулланаётганлар йўқ эмас. Бу масалага сизнинг муносабатингиз?**

— Қонуний билмаган оддий фуқаро жиноятга қўл уриб, сўнгра аттан қилса, уни тушуниш мумкин. Бирок, ўзи қонун ҳимоячиси бўла туриб, жиноятга қўл урса-чи? Албатта, бунга кечириб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди.

Афсуски, хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг айрим ходимлари ҳам гиёҳандлик билан

ларини пора тариқасида олганлар. Лаймон-эйтиқодини, виждонини йўқотган бу «адолат посбонлари», уларнинг ҳамтовоқлари суд ҳукми билан 6 йилдан 16 йилгача озодликдан маҳрум этилдилар.

Тошкент шаҳар ИИББ ДАН бўлими инспектори Бахтиёр Сағдидов гиёҳанд воситасини сотаётганда ушланди ва ҳибсга олинди. Ёки Жиззах вилоят Пахтакор туман Ички ишлар бўлими эксперт-криминалисти Туроб Ўсаров 100 грамм героинни 900 АҚШ долларига сотаётганда тушмушгидан илинди ва вилоят судининг ҳукми билан 14 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Кўриниб турибдики, қонун ҳаммага баробар. У оддий фуқароми, мансабдор шахси ёки хуқуқ-тартибот идоралари ходимими, жиноят қилса жазо муқаррар. Фақат қонунни яхши билган ва уни ҳимоя қилиш керак бўлган кишиларнинг бундай нопокликларга қўл уриши икки қарра жиноятдир.

Улар нафақат ўзлари, балки ўз вази-фасини ҳалол, виждонан бажараётган ҳаммасллари номига ҳам доғ туширади. Бундай нопоқ кимсаларга нафақат хуқуқ-тартибот идораларида, умуман жамиятимизда ўрин бўлмаслиги керак.

Абдуҳошим МАДАТОВ
суҳбатлашди

ИЛЛАТ

«ШАЙТОНГА БЎЙСУНГАН ЮРАКЛАР»

Кун буйи Шўхратнинг қўли ишга бормадди. Хаёлидан бундан бир кун олдин таниши билан борган жой, ўша ерда қилган номаъқул-ишлари нарикетмасди. У вужудиданги икки қарама-қарши куч мунозарасини ҳис қилиб юрди. Бирини «бу гунҳс йўлдан қайт» деса, яна бири «беш кунлик дунёда кайфу сафо суриб қол» дерди. Охир-оқибат Шўхратда иккинчи куннинг устунлиги сезилди ва ўша ерга боришни ихтиёр этди...

Вақт ярим тундан ошганда Шўхрат ўзига таниш уйнинг эшигини қоқди. Эшик очилиб, оstonада ўша таниш нусха кўринди. Салом-алайҳа кейин у мударога ўтиб кўчқолди.

— Фотима опа, «капалакча»лардан борми?

— Қираверинг, сиз учун топамиз. Меъзон Шўхратни йўлакда қолдириб, ичкари хонада «мижоз» кўтаётган «капалакча»лар олдиға кетди. Бу пайтда улар алакчон миҳознинг «хиди»ни олишган, «у ким билан бўларкин», деб қура ташлашаётган эди. Фотима кириб келганда миҳоз эгаси ҳам маълум бўлганди.

— Биттаси келди, у билан қайси бири-нинг бўласан?

— Мен...

Бу 20 лардан ошиб қолган, лекин эшиға қараганда бироз қари кўринадиди,

шундай бўлса-да, уша-элик билан ўзини обдон тарахлаган Хумора эди.

Фотима Шўхрат берган пулининг 500 сўмини ўзига олиб, қолган 800 сўмини Хумора учун ажратиб қўйди. Шу пайт яна эшик тақиллаб қолди. Фотима эшик томон югурди. У домийи миҳозлардан бўлса керак, деган умидда эшикни очди. Очди-ю, бир ютиниб, турган жойида қотиб қолди — оstonада милиция ходимллари турарди...

Нодир шериклари билан видеосеолондан чиққанда вақт алмаҳалф бўлиб қолган эди. Улар бир-бирини тилға олиб бўлмас, уятсиз сўзлар билан мазох қилишар эди. Ёлғиз Нодирғина бу гап-сўзларға эътибор бермас, бир режа устида бош қотирарди. Анча оғриқдан кейин у шерикларининг кўзини шамғалат қилиб, бошқа кўчаға бурилиб кетди. Бироз юриб, шаҳар марказиға етган, кимнидир қўдира бошлади. У кўп кўтмади. «Айлашишға чиққан «тунги капалакча»дан бирини осонгина кўндирди. Эндиғи вази-фа — жой масаласи эди. Уйлаб-уйлаб шу яқин атрофдағи таниши Зоҳидни эслади.

Зоҳид ёлғиз яшарди. Нодирнинг тақлифиға бошида бироз тийхлик қилиб, кейин 1000 сўм эвазига рози бўлди.

Ахир йўқ жойдан 1000 сўм топил хазил гапми? Зоҳид «мехмон»ларини жойлаб, эндиғина қароватта чўзилган ҳам эдики, эшикдан милиция ходимллари кириб келди.

Ҳеч кимға сир эмас, бундай иллатлар ҳамма замонда ҳам мавжуд бўлиб келган. Уларға қарши доимо кураш олиб борилган. Жумладан, Ислому шарияти бўйича қўшма-чилик, фоҳишабозликда айбланган киши тошбурон қилинган ёки деворға бостириб ўлдирилган.

Асрлар ўтиши билан жамиятдағи бу доғлар айрим касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишида асосий манба бўлиб ҳисобланмоқда. Бунга «аср вабоси» — СПИДни ва бошқа таносил касалликларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мана шу жиҳатларни ҳисобга оладиган бўлсак, бунга қарши чоралар кўришимиз, унинг жамиятда чирмовудек илдиз отишиға йўқ қўймаслик учун аёвсиз курашиш лозим. Шундангина тўн асрдан муҳдис мерос бўлиб ўтаётган бу иллат, шундангина инсоният учун таҳдид солиб турган хавф сифатида барҳам топажак.

А.ТУРСУНОВ,
Дўстлик тумани прокурори,
Фозил МАМАШАРИПОВ,
журналист

ҲАЁТ БАРИБИР ТОТЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, яшаш хуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий хуқуқидир. Инсонни қадрлаш, унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш давлатимиз олиб бораётган сийёсанг энг олий мақсадларидан бири ҳисобланади. Амалға оширилаётган ислохотлар неғизда ҳам инсонға муносиб турмуш шароитларини вужудға келтириш бош мақсад қилиб қўйилган.

Ҳаммамиз ҳам яхши яшашни, узоқ умр кўриб, фаровон турмуш кечирини орзу қиламиз. Тақдир ўз қийноқлари билан «сийлаган» кезлари ҳам келажакка умидқилиб, эртаға албатта яхши бўлади, деган ишонч билан олдинға интиламиз.

Бирок «фалончи ўзини-ўзи ўлдирибди!», «ўз жонига қасд қилибди!», деган совуқ хабарлардан ёқа ушлайсиз, ўзингизча бунинг сабабларини излайсиз. Ахир инсоннинг ҳаётдан тўйиши, ўз жонига қасд қилиши ғайритабиий ҳодиса. Киши ҳеч қандай йўл қолмаганида сўнгги чора сифатида ўлимни танлаши мумкин. Лекин аслида ҳам шундайми? Ўз жонига қасд ёки суиқасд қилганлар ростданам чорасизми?

Уларнинг аксариятиға оиладағи келишмовчиликлар, ҳар хил муаммолар ва руҳий касаллик сабаб бўлган.

Шовотлик Рустам Болтаев ва тошховузлиқ Омонгул Самандаровалар 1991 йилда қонуний никоҳ асосида оила қурадилар, биринкетин икки фарзандли бўлишди. Вақт ўтган сайн неғадир улар орасидағи тотувлик барҳам топади. Ширин сўзлар ўрнини ҳар-хил ҳақоратлар, сўқишлар эгаллайди. Тил қуниға қаноат қилмаган Рустам қўлиға эрк беради. Ҳар-хил баҳоналар топиб Омонгулни ура бошлайди. Қийноқларға чидай олмаган Омонгул Ташховузда яшаётган ота-онасиниға кетиб қолади.

«Болам, жанжалсиз уй борми, эринг ёмон бўлса, сен яхши бўл», — дея насиҳат қилади ота-онаси. Уларнинг сўзини икки қилаолмаган Омонгул яна эри ёниға қайтади. Бундай ҳолат уч-тўрт марта такрорланаверган, Омонгулнинг ота-онаси Рустамдан хотинини бошқа урмаслик ҳақида тилхат ёздириб оладилар. Аммо шундан кейин ҳам Рустам одатини ташламайди. Узининг ахлоқсизликда айбаниши Омонгулнинг жон-жонидан ўтиб кетади. Калтақлар зарбидан танаси-



да пайдо бўлган дардлар тез малҳам топгани билан, кўнгили жароҳатлари кун сайн кучаяверади. Охир-оқибат азоблардан қотилиш чорасини излайди. Дардларини қоғозға тўкиб солади-да, ўз жонига қасд қилади.

Мазкур ҳолат, унинг сабаб ва илдизлари Шовот тумани прокуратураси томонидан атрофлича ўрганилди ва Рустам Болтаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилди. Суд ҳукми билан Рустам беш йил муддатға озодликдан маҳрум қилинди.

Оилавий можаролар беш йил давомида муттасил юз бериб келган бўлишиға қарамастан Шовот туман «Чўқли» фуқаролар йиғини бу муаммоға фақат бир мартағина аралашган. Бунинг ҳисобға олиб, келгусида кишлхс худудида нотинч оилаларни ҳисобға олиш, улар билан тушунтириш ишлари олиб бориш, бундай муҳдис жиноятлар содир бўлишининг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгилаш ҳақида прокуратура тақдимнома киритди.

Ўз жонига қасд қилиб, лекин тасодиғи туфайли тақдир инъоми билан тирик қолганлар билан суҳбатлашганимизда улар ўз ишларидан пушаймонлигини, сўнги дақиқаларда ҳаёт нақадар тотли эканлигини ҳис қилишганини айтишди.

Ҳаёт фақат байрамлардан иборат эмас. Бу ҳақиқатни қанча кўп такрорламайлик, баъзи кишиларнинг англаб етиши анча мушкул кечаяпти. Арзимаган битта қўйлақ, дашноми деб ўз жонига қасд қилган кишини оқлаб бўладими? Ҳатто, биттаси онасининг: «Сени бу йил уйлантиролмаймиз», деган гапи учун ўз жонига қасд қилганиға нима дейсиз? Воқеаларни таҳлил қилиш жараёнида бу ҳолат ҳам маънавий қашшоқлик, иродасизлик, ҳаётға энгил қараш оқибатида келиб чиқишини кўрдик. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун оилаларда соғлом муҳит яратишға эришиш, ёшларға таълим ва тарбия бериши савиясини ошириш, жойлардағи маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини янада яхшилаш керак бўлади.

Мушкуллотлар ҳар қанча дуч келмайлик, ҳеч нарса бизға ҳаётимиздан воз келгиш ҳуқуқини бермайди. Пайғамбаримиз ташкидлаганидек, «ўзини ўлдирган дўзахийдир». Демак атрофға теранроқ нигоҳ ташлаб яшасак, бир-биримиздан меҳримизни, ширин сўзларимизни аямасак, инсон қалбини азиз билиб, унга ҳурмат билан муносабатда бўлсак, яшаш нақадар завқли, ҳаёт нақадар чарогон эканлигини англаб етаемиз.

Раҳматжон ХУСАИНОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

КОТИЛЛИК

ЗАРАФШОН ЙИҒЛАР ЭДИ...

Сиртдан қараганда умримиз минглаб эҳтимоллиг-у тасодифлардан иборатдек кўринади. Дурустрок идрок эта оладиган одам боласи эса ўша эҳтимоллиг-у тасодифларнинг маълум бир қонунятлар асосида юз беришини билиб олиши тайин. Қуйида баён қилмоқчи бўлган воқеа ҳам ўз-ўзидан содир бўлмаганлиги кундай равшан.

Реаниматологиядан анча-мунча хабари бор киши «клиник ўлим» ҳодисасини тушунади. Бир неча дақиқа ўлим ҳолатида бўлган инсонни ҳаётга қайтариш мумкин. Қизиғи шундаки, кўплаб гувоҳларнинг тасдиқлашича, «клиник ўлим» ҳолатидаги бемор бир неча секунд давомида ўз умрини, бутун ҳаётини ташқаридан кузатиш имконига эга бўлади. Реанимация бўлимига келтирилган Маржоний-

қилишлари мумкинлигини ҳеч тасаввур қилмагани. У кимга ёмонлик қилди экан?

Зомин шаҳарчасининг нариги бир бурчагида Матлуба исмли яна бир аёл яшар, у ҳам тирикчилик юмушлари билан банд эди. Ўғли Собир ва кичик фарзандлари билан тинч-тотув турмушига шукр қилар, ахён-ахёнда оиласи бузилганлигини эслаб ўқирди, холос. Шундай кезларда дунё кўзига зимистон

тўғри келди. Файзулло жияни Собирнинг кўз ўнгида уйдаги пичоқни олиб, бир четга яшириб қўйди.

— Сани ишинг бўлмасин, онанг ҳам билмай кўя қолсин, тушундингми, — ўдағайлади Собирнинг саволига жавобан.

Тунги соат уч. Улар уйдан ҳеч кимга сездирмай чиқиб кетишди. Чақонгина Алишер Маржоний яшайдиган уйнинг деразасидан кириб эшикни очди.

КЎРҚИНЧЛИ

ТУШ

бўлиб кетарди. Собик эри Абдусамadni койир, унинг ҳозирги хотини Маржонийнинг ўзидан қандай ортиқлиги борлигини биллолмай хуноб бўларди. Ажрашганларига ҳам бир неча йил бўлди. Одатдаги кунларнинг бир-кетин ўз боласини эркалаб суяётган онажониси, ўсмирлик, тўй кечаси-ю, фарзанди бўлган лаҳзаларига ҳама ҳудди аниқ-тиник тушдек ўтиб борарди: у турмуш ўртоғи Абдусамад ака билан фарзандларини қучиб эркаламоқда. Мана, у болаларини ухлатиб, ярим тунда уйкуга ётди. Бирдан... бирданига қизалоғи Шоҳистанинг чинқирғини эшитиб уйғониб кетди. Кўзини очганда тепасида икки барзанги турарди:

— Бизни опамиз Матлуба юборди, сени ўлдиришга келдик!

Қичқиршига улгурмай бўйнига нимадир урилганидан кўзлари чакнаб кетди... «Тирилик» кўзини очганда бир оз қараёт эди. Кейин ҳаммасини эслади. «Нима гуноҳим бор эди? Етти ухлаб тушимга кирмаган жаллодлар...» Ҳаммаси... ҳаммаси тасодифан юз бергандек. Унинг ҳаётига қасд

Қисқача маълумот: Шокиров Алишер 1971 йилда туғилган, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам бир неча марта судланиб қамалган.

Ичкарига кириб олган бу икки қасоскор хонада ухлаб ётганларни ажратиб мушкулликдан хиёл тўхтаб қолишди. Лекин улар ўз ўлжаларини тезда илғаб олишди. Алишер Маржонийнинг бош томонига ўтди. Файзулло эса ўз опасининг турмушига «оғу» солган деб ҳисобланганидан бу аёлга нафрат билан тикилиб турарди. Аёл шарпани сезиб, уйғониб кетди. Лекин зарбадан йиқилди. Кимдир чинқириб юборди. Шарпалар деразадан ура қочибди.

Эртасига Зомин тумани прокуратурасининг тезкор тергов тадбирлари натижасида жиноятчилар тезда қўлга олинди.

Ҳаммаси тўсатдан юз бергандек. Лекин жавобгарларнинг инсон деб аталмиш мавжудотга мансуб эканлигини ҳисобга олсак, бундай «тўсатданлик» ўз-ўзидан эмаслигини тушуниб этишимиз мумкин.

Б.ШОИМОВ,
Зомин туман прокурори

Халқнинг тилидан-тилига, дилидан-дилига кўчиб келаётган бир афсона бор:

«Котилни, ўнлаб одамнинг бошига етган одамхўрни ушладилар. Дор тағига олиб келдилар. Қабила оқсоқолининг ишораси билан унинг бўйнига сиртмоқ солинди. Шунда қабила оқсоқоли котилнинг ўлимининг илҳақ кутиб турган қабиладошларига юзланиб:

— Ундан ҳудо ҳам безор, — деди, сиртмоқ ташловчиға қараб, — кўйиб юборинглр.

Олдин оломон оқсоқолнинг қилган ишига шовқин ила норозиликни билдирди. Кейин оқсоқолнинг кўнглига келган шубҳани юракларидан туйишди. Ҳамма йўлига кетди. Тепаликда дор, сиртмоқ ила котил қолди.

Бўйнида сиртмоқ йўқлигидан талвасага тушган котил олдин не қор-хол бўлганлигини тушунади. Кейин озод қуш эканлигини сезиб, қувончдан юраги ёрилиш даражасида қаҳ-қаҳа отди. Одамларнинг кўзига кўринмасликка қасам ичиб елди-югурди. Охири жонига тегди бесамар ёлғиз юришлар. Шунда ахён-ахён қабиладошларини кўмсаб, уларга яқинлашар, қондошлари эса ундан юз ўғирар эди.

Телбанамо тентирашлар жонига тегди. Дордан садо чиқмади. Ялиниб-ёлворди, бўлмади. Йиллар ўтиб қору ёмғирдан чирий бошлаган дор устунларига бошини урди, бош ҳам ёрилмади. Шунда қора туман пардасига ўралган кўркүв ичига кирди. Тирикликдан кўркиб яшай бошлади. Ўлим бағрини очмас, тириклик ўлимдан дахшатли кўринар эди. Уни ҳар тонг дор тағида ялиниб-ёлвориб турган ҳолатини қабила ахли кўрар, аммо бир оғиз далдани унга раво кўрмас эди. Бир тун момақалдирок бошланиб, худди ер силкингандай бўлди. Чакан чакнаб, жала куйди. Шунда қабила ахли бир-бирдан хол-ахвол сўраб, тунни кузатдилар. Тонг отиб, қуёш чикди. Унинг майин нурлари кўнглиларга қувонч ато қилди. Ховлилари остонасидан ҳатлаган қабила ахли тепаликка ўрнатилган дорни ашин урганлигини кўришди. Куйиб-қулга айланган котил эса дор тағида бир сиқим қул бўлиб ётарди.»

Одам одам жонига қасд қилиши билан бўйнига котиллик сиртмоғини илади. Қани энди у сиртмоқдан қутулиб бўлса. Ўлолмайдди. Ўлим не-не улуг одамларни бағрига олган, не-не умрини эзгуликка бағишлаган инсонларни қуни битган дамлари мангуликка даҳлдор қилиб қўйган илоҳий қуддир. Бировнинг қотилига айланган кимсалардан у ҳазар қилади, бағрига ололмайди.

Қотиллик содир бўлди. Бундай қотиллик тушларга кирмайди. Ака уқанинг қотилига айланишини бир тасаввур қилиб кўринг-чи, қандай ҳолатни бошингиздан кечирар экансиз?! Бундай жиноятни ошитган замон «қотил ё жинни ё сархуш ҳолда бундай ёвузликни содир қилиши мумкин», деб уйлашингиз табиий. Аммо бу ёвуз кимса онгли равишда, ақл ила бу жиноятни содир қилган эди.

Ёз ойининг ёруғ тонига Худойберди кўчага чикди. Йўлдан ўтиб кетаётган уқаси Облоқулга кўзи тушиб, ёнига чакирди-да, «онанининг нафақа пулини олиб кел», дея уни ортга қайтарди.

Орадан кўп вақт ўтмай Облоқул ақасининг уйига келди ва нафақа пули йўқлигини билдирди. Бундан фиғони фалакка ўрлаган Худойберди уқасидан пул топиб беришини талаб қилиб туриб олди. Шунда Облоқул «сенга пул керакми, мана пул», дея чўнтагидан бир даста пул чикарди. Уқасидаги пулга кўзи тушган ака инсон эканлигини унутди. Ёнидаги пичоқни олиб, уқасининг бир неча жойига санчди. Облоқул тиг зарбидан воқеа жойида жон берди.

Худойберди қўнғининг чўнтағидаги ўн беш минг сўм пулни олиб, жасадин қолга жойлади-да, устидан турли хил темир-терсақ, тош солиб боғлади. Кейин қопни тандирхонага ашириб қўйди. Кечаси қопни ашакка ортиб, «Шағалон» қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёсига ташлаб юборди.

Ёвуз кимса жиноятини Зарафшон бағрига аширди. Қотил жиноятни аширар, дарё эса йиғлар эди. Йўқ, дарё бу фожани кечира олмади. Жасад солинган қоп сув юзи-

га қалқиб чикди.

Тез орада ҳужуқ-тартибот органи ходимларига котилнинг қимлиги маълум бўлди. Худойберди Ушвақтовнинг уй-жойи тинтув қилинганда ўқ-дори ҳамда марихуанна гиёҳвандлик моддаси топилди.

Ҳар қандай жиноятга жазо берилади. У йиллар билан ўлчанади. Аммо одамдаги қалб, юракка тушган жазо юқини нима билан олиб ташлаш мумкин?

Ўз уқасининг жонига қасд қилган ақанинг қонида оғунинг бўлмаганлиги ким нафолат беради? Оғуға берилган одамнинг Ватанга хиёнат қилмаслигига ишонасизми? Йўқ, ишонмайсиз.

Пичоқ ҳавонни кесиб ўтишидаёқ Худойбердининг кейинги ҳаётига тақви-лаънат тамғаси босилган эди. Ана шу лаънат тамғаси уни қийнайдди, виждон азобларида ўртайдди.

С.САМАДОВ,
Хатирчи туман прокурори

КОТИЛЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ

ШАХС ВА МУҲИТ

Психологияда одамга нисбатан икки хил: индивид ва шахс тушунчалари ишлатилади. Индивид — фақатгина биологик эҳтиёжга эга бўлса (чақалоқ ва руҳий хасталикларга чалинганлар), шахс деб эса ҳам биологик, ҳам ижтимоий эҳтиёжга эга бўлган одамларга нисбатан айтади.

Шахс жамиятнинг махсулидир. У жамиятга улғайди, билим олади ва меҳнат қилади. Шу билан бирга жамиятга ёзилган, ёзилмаган қонунларга аман қилиб яшайди.

Бир полизда ширин қовун билан бирга бемаза қовун ҳам етилганидек ҳамма шахслар ҳам жамият истаганидек бўлиб қамолга етмаслиги табиий ҳолдир.

Шахсга жиноят содир этганида, одатда ота-она, қариндош-уруғ, ўқув даргоҳ мутасаддилари, қолаверса, маҳалла-куй қаёққа қараган, деган савол берилади. Бу кезишга эмас, албатта. Сабаби, биз юқориде таъкидлаган ўтганимиздек шахс ўзида ўзини қуршаб турган ички жамонани, жамоа эса жамиятга акс эттиради. Дарҳақиқат, қасдан қотилликка қўл урган шахс бирданига ўзида ваҳшийлик ҳуқуқини шакллантира олмади. Бу ҳулқ асосан салбий таъсир атидиган муҳитда етилиб келади. Бундай гуруҳларга мансуб шахс жамиятга эид бўлган ҳусусиятларни аста секин ўзлаштириб боради. Мисол учун, нопоб улфатлар дарадаги йиғилга хотинчини ёмонлаб, рашиқни қўзғатиш учун йиғитнинг кўзига қон тўлади, аёлини ҳар бир ҳаракати шубҳали туюлаверади. Ва баъзан оқибат қотиллик билан туғайи ҳам мумкин.

Юқоридаги оддий мисолдан йиғитнинг ўз фикри йўқ экан, демак унинг қотилликда айби йўқ, деган хулоса чикариш хато бўлади. Лекин йиғитни ўзини идора эта олмайдиган ҳолатга солиб, идрокини буткул ишдан чикарган, жиноятга ундаган жамоа таъсирини ҳам унутмаслик керак. Кўпинча қасдан қотилликка қўл урган жиноятчининг таржимаи холи билан танишганимизда у мунтазам жанжаллар бўлиб турган оилада улғайган ёки бўлмаса атрофидидаги таниш-билишларнинг ҳатти-ҳаракатлари жамиятга эид эканлигини кўради.

Оиладаги психологик муҳит бола шахсининг шаклланишига салмоқли таъсир этади. Ана шу таъсирини акс-садоси бир неча йиллардан сўнг қайтади. Натijaда ота-она «бола

тарбиясида қандай хатога йўл қўйди» деб бош қотирадилар ва бир-бирларидан айб қидирадилар. Аслида эса оилада бола тарбияси учун жамият олдида ота-она баробар жавобгардирлар. Бу жавобгарликни унутган ота-оналар ўзларини оқлаш учун «Боламиз ёмонларга қўшилиб қолганини билмай қолдик», дейишди. Ана ўша «ёмонларнинг» ота-онани ҳам юқоридаги вақни келтириб тураверадилар. Шу тариха занжир ҳосил бўлади. Ҳақиқатда эса занжирнинг бош халқиси ота-она томонидан болани назоратсиз қолишидан бошланган бўлади.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қасдан қотилликка қўл урган шахслар, ёшидан қатъий назар кўп ҳолларда яққаланиб қолган шахслар бўладилар ва ўзларини қўлаб-қувватлайдиган бир-икки улфатгина эга бўладилар. Кўпчилик орасига эшиб қолганда эса ўз фикрини бошқаларга ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай ҳолларда шахс аққаланиб қолганлигининг сабабини эмас, ақсинча, сабабчинини қидиради.

Жамиятнинг тўла қонли аъзоси бўлиши учун шахс бирор бир фойдали меҳнат билан машғул бўлиб, ўз урнига эга бўлади. Ақсари қасдан қотилликка қўл урган шахслар бирор бир жойда фойдали меҳнат билан банд бўлмаган шахслар бўлиб қичқашди. Бундан кўриниб турибдики, у жамият олдидаги бир вазифасини бажармаслик оқибатида жиноятга қўн уради. Ана шундай жиноятларнинг олдини олиш учун ҳам жойларда бандлик хизматлари ташкил этилган бежиз эмас.

Мустақил давлатимизда, маҳалла ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига катта эътибор берилмоқда. Мана шундай ташкилотлар раҳбарлари димқат эътибордан ҳеч қим четда қолиши керак эмас. Ана шу йўл билан жамиятимизга эид бўлган файритабиий ва файриқоний жиноятлар олдини олиш анча осон кечади.

Л. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон миллий университетининг
ижтимоий-сиёсий фанлар факультети
психология кафедраси катта ўқитувчиси

Исроил ИБРОҲИМОВ

ХАВФЛИ ҚОЧОҚ

(қиссадан боблар)

(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор.)

Таксида букчайиб ўтирганича Мунирани кузатиб турган Хуршид хотини фолбиннинг уйдан узоқлашиши билан шартта машинадан тушиб ҳозиргина хотини чиққан дарвоза томонга юрди. Навбатда турганларнинг ҳай-ҳайлашларини писанд қилмай, тикка Ҳалима фолбин ўтирган меҳмонхонага бостириб кирди.

— Ҳозир олдида чикқан хотин нимага келган экан? — деди кексароқ аёлни кўраётган фолбиннинг галини бўлиб.

— Ие, келинг, келинг, Хуршид ака! Сизни ҳозир эмас, эрта-индин кеп қолар, деб ўйловдим.

«Менинг исмиمنى қатдан билди», дея хайрон бўлди Хуршид. «Ичингдаги гални билиб тураркан-а!»

— Фолбин деса етти маҳаллани айланиб ўтарди, хотиним, нимага кепти? — деди сал ўпқасини босиб.

— Сизни жонидан ортқ кўргани учун келган-да! — деди фолбин унинг ҳақоратомуз галига парво қилмай. — Мана, манави эсидан чиқипти. Ўқисайз билволасиз нимага келганини. Кейин гални кўпайтирмай, ўзига сездирмасдан, сумчасига солиб кўйинг, хўпми?!

Хуршид худди сурнай оҳанги сеҳрлаган илонга ўхшаб фолбиндан кўз узолмай, тек қотганди.

Фолбиннинг таърифлаб бўлмайдиган сирли, сеҳрли нигоҳи Хуршиднинг кўнглини кўешдек ёритди.

— Истасангиз пешонангизга нима ёзилган, айтиб бераман.

Хуршид ўнг қафтини ёзиб фолбинга тутди.

Ҳалима фолбин Хуршиднинг билинар-билинамас титраётган қафтидаги «Ж» харфини эслатадиган чизикларни шарҳлашга киришди.

— Во ажабо, ўртадаги асосий чизикнинг пастга қараб тортилган изи чап тарафдаги тик чизикқа туташган. Ҳаётингизнинг бошида, ишларингиз гуркураганда, хотинингиз билан ажрашиб, ҳаётдан безиб кетгансиз. Таассуфки, чап тарафдаги тик чизик тепароғидан ўнг тарафга чиққан шохча ўрта чизикни кесиб ўтиб, ўнг тарафдаги тик чизикқа туташаяпти. Буёғини айтишга тилим ҳам бормааяпти...

— Айтинг, нима бўлсаям айтаверинг, — деди ҳаяжон босган Хуршид.

— Тагин ажрашиб, учинчи марта уйланасиз. Чунки, бадгумонсиз, беқарорсиз. Бировлар кўлида кўйирчоқсиз. Бунга йўл қўймасликни бирдан-бир чораси — ўзингизни кўлга олинг!

Хуршид унинг охири галини эшитмади. Юрагида санчқ турди. Фолбиннинг сўзларига ишонмаслиги мумкин эмасди. Ахир ўтмишини қафтидан ўқий олган одам, келажагини нечук каромат қила олмасин?

— Сиз хўп десангиз бир тумор ёзиб бераман, — деди Ҳалима фолбин унинг кўзларидидаги хавотирни сезиб. — Ёнингизда юриши шарт эмас, аммо уйга, биров тегмайдиган жойга яшириб қўйинг!

Хуршид Ҳалима фолбиндан туморни олган, шляпасини унотиб қолдираётганини ҳам сезмай, эшик томон юрди.

— Айтганингиздай бўлди!

Эски қадрдонлардай бемалол келиб, курсига ўтирган қирқ ёшлардаги олифта жувоннинг бу гали фолбиннинг хаёлини бўлди.

Хуршид жуда катта мол-дунёни кўлга киритиш арафасида эди. У узоқни кўзлаб «Беш карра беш» хусусий компаниясини ташкил қилган, гарчи кўп қаватли турар жой биносининг биринчи қаватидаги икки хонали офисидан бошқа хатлашга лойиқ мол-мулки бўлмаса-да, сохта ҳужжатлар билан аслида йўқ батарея цехи қийматида ҳар бири минг сўмлик, икки минг дона акция чиқаришга эришганди. Рекламага пулни аямай, газета ва журналларда, телевидениеда «Беш карра беш»нинг чексиз имкониятларини тарғиб қиларди: Пулингиз кўпайишини истайсизми? Марҳамат! «Беш карра беш» компаниясининг минг сўмлик акциясини сотиб олсангиз, беш ойда йигирма беш минг сўмга, ўн ойда бир юз йигирма беш минг сўмга эга бўласиз!»

Реклама ўз ишини қилиб, акциялар кўз очиб юмгунча сотилди. Хуршид компания ҳисоб рақамига келиб тушган пулларни аямай сарфлаб, тагин миллион- миллион сўмлик акцияларни тайёрлатди. Агар бу акциялар ҳам сотилиб кетса, имтиёзли акциядорларга янги харидорларни қизиқтириш мақсадда ваъда қилинган беш карра дивидентларни тўлаш учун маблағ етиб ортарди. Тагин битта илнжи — ҳисоб рақамига келиб тушажак миллионларни каллани ишлатиб айлантира олса, беш-олти ойда йирк сармоядорга айланиши ҳеч гап эмасди... Топган пулларига қуёш батареялари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурдиради. Келажақ қуёш батареялариники! Ҳозир фазо кемаларигина қуёш батареяларидан қувват олиб учётган бўлса, яқин келажақда улар ерда ҳам барча турдаги ёнилгиларни суриб чиқаради. Улар тақомиллашиб, бора-бора фақат офтоб нури-нигина эмас, гира-шира ёруғлики ҳам электр энергиясига айлантириш даражасига етади. Хуршид Ўзбекистонда, бошқа мамлакатларда қуёш батареясининг асосий кимёвий элементини тайёрлаб берадиган корхоналар қуриб ташлайди. Минглаб ишчи ўринлари яратади...

— Банкдаги ҳисоб рақамимизни беркитиб қўйишибди, — Сонянинг ташвишли овози уни чексиз фазодан ерга қулатди.

ЗНИГА:

1. Журнал. 8. Ҳайитдан олдинги кун. 9. Орол давлат. 10. Товарнинг идиши билан биргаликдаги оғирлиги. 11. Оддий транспорт воситаси. * 12. Табиат, мижоз, характер. 13. Латвия пойтахти. 14. Портловчи модда. 16. Қозоғистон пойтахти. 17. Мукофот. 18. 4 мақаддас китобнинг бири. 20. Археологик ёдгорлик. 22. Бозорда сотилмайди. 24. Яқинқариндош. 25. Махсус ҳарбий гуруҳ. 27. Таъсир, босим, сиқув. 28. Охир, ниҳоя. 30. Маъмурий марказ. 33. Тоғ. 35. Ишора. 36. Атроф-муҳит, табиат тозалиги ҳақидаги фан. 38. Дунёдаги энг йирик спорт мусобақаси. 40. Шўҳрат. 42. Сўнги умид. 43. Хорижий автомобиль русуми.


БЎЙГА:

1. Кураш тури. 2. Сув ўсимлиги. 3. Рўзгор буюми. 4. Шубҳа. 5. Отхона. 6. Мамлакатимиздаги вилоят. 7. Чучува (шева). 11. Фойдасиз, беҳуда. 12. Туғилиш. 15. Истиқлол. 16. Жаннат ва дўзах ўртасидаги манзил. 18. Яхудий ёзуви. 19. Азоб, зулм. 21. Изн, руҳсат. 23. Таом. 26. Бутуннинг иккидан бири. 28. Осиёдаги миллат. 29. Пилла қуртининг пишқ толаси. 31. Ҳамроҳ. 32. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 34. Совуққондиги. 35. Сон. 37. Хонликларда юқори мансабдаги амалдорларга хизмат қилувчи қуролли соқчи. 38. Еттидан олдинги сон. 39. Амударёнинг ирмоғи. 41. Нарсанинг кузатувчига қараган қисми.

Тузувчи:

Х. НИШОНОВ

КРОССВОРД



АНА ХОЛОС

БОШЛИҚ БИЛМАГАН ҲИКМАТ

Мисрнинг Калюб шаҳрида қайғули, шу билан бирга сабоқ бўладиган воқеа содир бўлди. 28 ёшли полиция зобити Иҳоб Фики ишга кечикканлиги учун «шефи» Муҳаммад Ҳасандан теша тегмаган сўкишларни эшитганида бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. У бошқа ҳамкасблари сингари жимгина гап эшитиб туриш ўрнига кўкқисдан бошлиққа ташланиб қолди. Қўлидаги пичоқни сермаб юборган эди, «рақиб» кулоғининг яримси танасидан жудо бўлди. Бу қилмиши учун Фики 15 сутка «ўтириб» чиқади, кейин эса албатта ишдан бўшатишади.

Муҳаммад Ҳасан эса ҳозирда госпиталда «ўз хизмат вази-фасини бажараётганда олган оғир тан жароҳати» сабаб муолажа олмақда. Ҳарқалай, шу вақт мобайнида у «ўз қўл ости-нингдагиларни ардоқла», деган қадимий Шарқ ҳикматининг мағзини чақиб улгурса керак.



Талабалар танаффусда

Р.НУРИНБОЕВ олган сурат

АНА ХОЛОС

СЕХРЛИ ШАМПУН

Тиниб-тинчимасан немис генетиклари «соч ўсар» генларининг фаолият ва фаолиятсизлиги сабабларини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Шундан келиб чиқиб, таркибида ДНК етарлича миқдорда бўлган шампун ихтиро қилинди. Бунга қўшимча тарзда эса бутунлай аксинча хусусиятга эга бўлган теридаги ортиқча тукларни йўқотувчи шампун ҳам ихтиро қилишди. Агар сиз сочингиз қуюқ

бўлишини хоҳласангиз, бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Шампундан фойдаланасиз, қарабсизки, ҳаммаси жойида. Фақат эҳтиёт бўлинг, ганимингиз шампун идишларини алмаштириб қўймасин тагин.

Айтганча, олимлар бу шампунни ҳали фақатгина сичқонлар устида тажриба қилиб кўришди. Қисқаси, ўзингизга қаранг-да.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи Улугбек Жалолова онаси

МАРҲАМАТ аяни

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Ангрен шаҳар прокурори,

адлия кичик малаҳатчиси Алишер Алиёва турмуш ўртоғи

Роза ХОДЖАЕВАНИ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.